

## 2022-йил ҳамда 2023-йил 6 ой давомида амалга оширилган ишлар ҳисоботи

Сўнгги йилларда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги қўмитасига алоҳида эътибор қаратилди ва бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Коронавирус пандемияси даврида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги қўмитаси бўйича қабул қилинган **Фармон** ва **қарор** асосида Қўмитанинг республикадан-тумангача бўлган яхлит тизими шакллантирилди, ваколат ва вазифалар кенгайтирилди.

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги қўмитасининг 14 та** ҳудудий бошқармалари ва **207 та** туман (шаҳар) бўлимларига раҳбар кадрлар **махсус тузилган комиссия** танлов асосида танлаб олинди, ҳудудий бошқармаларда раҳбар кадрлар алмашинуви амалга оширилди.

Республикадаги мавжуд тиббиёт олийгоҳларининг **7 тасида тиббий-профилактика факультетлари** ташкил этилди.

Ушбу факультетларда жами **2 541 нафар** талаба, **68 нафар** магистратура ва **56 нафар** клиник ординатурада таҳсил олмоқда.

Сўнгги бир йил давомида Европа ва Жаҳон савдо ташкилотлари ва халқаро талаблардан келиб чиқиб, таълим, қурилиш, озиқ-овқат ва бошқа соҳалар бўйича **35 та** санитария қоида ва меъёрлари **янги таҳрирда қабул қилинди** ва **халқаро андозаларга мослаштирилди**.

Санэпидхизматнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида, жорий йилнинг **1 январидан** бошлаб, фаолият юритаётган фан номзоди ва фан доктори илмий унвони бўлган ходимлар ойлик маошига қўшимча Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **30** ва **60 фоизлик** базавий молиялаштириш йўлга қўйилди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги қўмитаси тасарруфидаги **илмий-тадқиқот институтлари** молиялаштирилиши **давлат бюджети ҳисобига** ўтказилди.

Санитария-гигиена ва эпидемиологиянинг долзарб масалалари бўйича **87 нафар** мустақил изланувчи томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, **9 та** грант лойиҳалари бугунги кунда амалга оширилмоқда. Ўтган 5 йилда **11 нафар** тиббиёт фанлари доктори, **27 нафар** тиббиёт фанлари номзоди илмий даража олиш учун ҳимоя қилишга муваффақ бўлишди. 2022 йилнинг ўзида **8 нафар** фан номзоди, **3 нафар** фан докторлари ҳимоя қилишди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги хизматининг илмий-амалий журнали ташкил этилиб ОАК рўйхатидан ўтказилди ва ҳар чоракда бир маротаба нашр этиш йўлга қўйилди.

Ҳозирда журналнинг **4 та** сонида **260 та** мақолалар чоп этилди. Шу жумладан, маҳаллий илмий журналларда **19 та** мақола чоп этирилди.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маҳаллий ишлаб ишлаб чиқарувчилар томонидан экспорт қилиш ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан импорт қилинаётган маҳсулотларга санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштирилиб берилишда асоссиз ҳаражатлар қилинишига, ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни бартараф этиш мақсадида, тадбиркорлик субъектларига яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда.

Бугунги кунга қадар озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланадиган **1788 та** экспортёр корхоналар рўйхати шакллантирилди. Уларга **1452 нафар** хизмат ходимлари бириктирилиб, **1788 та** экспортёр корхоналарда мониторинг ўтказилди, уларнинг муаммолари ўрганилди.

*Маълумот учун: Ўрганиш давомида 81 та корхона кредит, маблағ ва валюта айрибошлаш масаласида, **54 та** экспортёр корхона транспорт логистикасида, **82 та** корхона хомашё (шакар, ун, ёғ ва х.к) нархини ошиб кетганлигида, **60 та** корхона ҳудудлардаги сан-эпид хулоса бериш билан вилоят бошқармалари ишламаётганлигидан, **26 та** корхона дезинфекция, дезинсекция тадбирларини ўтказишда, **14 та** корхона маҳсулотни яроқлилик муддатини узайтириш борасида, **19 та** корхона суғоришга сув етишмаётганлигидан, **14 та** корхона қўшимча ер ажратиш масаласида, **3 та** корхона бож тўловларини қимматлигидан, **2 та** корхона карантин хулосасини олишда ва **2 та** корхона ветеринария хизмати томонидан хорижий экспорт қилувчилар реестрига киритиш масаласида фикрлар билдиришди, **31 та** корхона фаолияти тўхтатилгани аниқланган.*

Кодекс Алиментарюсда тавсия этилган стандартлар бўйича озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун 391 та хавфсизлик кўрсаткичлари белгиланган. Ушбу кўрсаткичларидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг лаборатория мажмуаларида **322 таси (82.4%)** хавфсизлик кўрсаткичларини, жумладан: 10 та бактериологик кўрсаткичларнинг **10 таси** (барчаси), **17 та** санитария-гигиеник хавфсизлиги кўрсаткичларнинг **14 таси, 20 та** радиологик кўрсаткичларнинг **20 тасини, 265 та** пестицидларнинг актив моддаларнинг **265 таси**, ҳайвон маҳсулотларини таркибида бўлиши мумкин бўлган **79 та** антибиотик ва бошқа воситаларнинг **13 тасини** (4 та антибиотик, 9 та инсектицид) лаборатория таҳлилидан ўтказиш имконияти мавжуд.

Лаборатория таҳлилидан ўтказиш имконияти бўлмаган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун белгиланган **69 та (17.6%)** хавфсизлик кўрсаткичларини лаборатория таҳлилларидан ўтказишни йўлга қўйиш мақсадида, хизматнинг лаборатория мажмуаларини юқори сезувчанликка

эга замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, мутахассисларни касбий тайёргарликдан ўтказиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштириб бериладиган товарлар рўйхатидан озиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли моллари ҳамда гигиеник воситалар чиқарилди. Мажбурий тартибда олиниши лозим бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштириш чиқарилди.

Четдан олиб келинадиган маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса олиш учун қўшимча равишда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келганлик тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда товарга илова қилинадиган ҳужжатларнинг (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёта-фактура) нусхалари ҳамда ишлаб чиқарувчининг келиб чиқиш мамлакати сертификати (товарнинг келиб чиқиши тўғрисида ишончли ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда) нусхалари тақдим этилиши шарт эди, қарор билан бу ҳужжатларини талаб этилиши бекор қилинди. Бунда санитария-эпидемиологик хулосалар расмийлаштириш жараёни **30 фоизгача** қисқартирилди.

Шу билан бирга, четдан олиб келинаётган маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса маҳсулотнинг яроқлилик даврига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган маҳсулотга эса-муддати кўрсатилмасдан берилар эди қарор билан четдан олиб келинаётган маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса айнан бир хил товарларга бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида санитария-эпидемиология хулосаси бир календарь йилидан ошмаган муддатга бир мартаба бериш жорий этилди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги қўмитаси ва унинг тизимидаги жами 26 та органлар “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига уланиб, ушбу тизим орқали республикадан экспорт ва республикага ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан импорт қилинаётган мажбурий тартибда олиниши лозим бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштириб бериш электрон тизим орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Соҳа ривожини учун ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида **243,4 млн долларлик 5 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

1. Республика иммунопрофилактика тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида ГАВИ ташкилотидан 2017-2021 йилларга мўлжалланган **17,0 млн долл** миқдорида грант маблағлари ҳисобига **13 та** вакциналарни сақлаш омборлари янгидан қурилди, **17 та** катта ва **206 та**

кичик хажмдаги рефрежираторли автотранспорт воситалари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва туман(шаҳар) бўлимларига тарқатилди.

2. Корея ҳукумати KOICA (Корея халқаро ҳамкорлик ташкилоти) иштирокида “Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар билан касалланган беморларни ташҳислаш самарадорлигини ошириш” грант лойиҳаси асосида **6 млн долл** қийматига эга лойиҳаси доирасида Санэпидхизматнинг **8 та** ҳудудий бошқармаларини бактериология ва паразитология лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

3. Ислон Тараққиёт Банкнинг **17,44 млн долл** маблағларига **98 та** санитария-гигиена лабораторияларига **108 турдаги 9,83 млн долл** қийматидаги асбоб-ускуналарни ҳарид қилинди.

4. АҚШнинг СДС ташкилоти билан ҳамкорликда Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб **антибиотикка чидамликни аниқлаш бўйича марказ** ташкил этилди. Бу марказнинг иши асосан касаллик қўзғатувчиларига антибиотикларга сезувчанликни ўрганади, антибиотиклардан тўғри фойдаланилади, полипрагмазия ва оғир асоратлар олди олинади,

5. Халқаро **ҳамкорликни** шу жумладан, **Германиянинг Роберт Кох, Франциянинг Луи Пастер институтлари, Роспотребнадзор, KOICA, CDC** каби ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

6. Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Осиё инфротузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) ўртасида жами **200,0 млн доллар**га тенг бўлган маблағларни жалб қилиш бўйича қарз битимлари имзоланди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида жами **200 та** муассасаларни моддий-техник базасини янгилаш, хусусан, керакли бўлган тиббий ва нотиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, ахборот-коммуникация тизими тубдан такомиллаштирилади, кадрлар касбий тайёргарликдан ўтказилади ва ўта хавfli инфекциялар тарқалишини реал вақтда назоратини олиб бориш имкониятини яратувчи ягона тизимини яратишга эришилади.

7. Хизмат қошида **Миллий референс лабораторияси ишга туширилди**. Ушбу референс лабораторияни қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун, жами **20,5 млрд** сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, республика бўйича **170** дан ортиқ ПЗР аппаратлари билан жиҳозланган полимераза занжир реакцияси усулида таҳлил ўтказишга ихтисослашган **вирусологик лабораториялар фаолият кўрсатмоқда**.

“O‘zbekiston akkreditatsiya markazi” DKга (“O‘ZAK”) Аккредитациядан ўтган мувофиқликни баҳолаш органи “ILAC MRA Mark” ўзаро тан олиш

тўғрисидаги кўптомонлама Битим белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган ва лаборатория мажмуаларини халқаро аккредитациядан ўтказиш имкониятига эга бўлган.

**Миллий референс лабораторияси ва 13 та таркибий муассасалар лабораториялар** халқаро аккредитациядан ўтказилди.

Ушбу лаборатория мажмуалари томонидан ўтказилган хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича таҳлил натижалари озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти жараёнларида дунё мамлакатларида тан олинади.

*Маълумот учун: Миллий референс лабораторияси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги тиббиёт Бош бошқармасининг Санитария-эпидемиология назорати бошқармаси, “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖ Марказий СЭС (9 та), Чилонзор, Қибрай, Зангиота, Учқўрғон туманлари, Нукус шаҳар бўлими (5), жами 14 та лаборатория мажмуалари халқаро аккредитациядан ўтди ва “ILAC MRA” халқаро аккредитация қўшма белгисидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.*

Бундай маблағлар **Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги қўмитасига** аввал ҳеч қачон берилмаган. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамаот саломатлиги қўмитасига кўрсатилаётган **бундай юксак эътибор учун** соҳа ходимлари номидан Сизга ўз миннатдорчилигимни **билдирмоқчиман**.

**Сўнги 5 йилда** аҳолининг эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида ўтказилган профилактик, эпидемияга қарши ҳамда мақсадли эмлаш тадбирлар натижасида, айрим касалликлар тугатилди, кўплаб касалликлар динамикасида кескин пасайиш кузатилди.

**2022 йилда** болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш учун **205 млрд. сўм** ажратилди, **2017 йилда** ажратилган маблағларга нисбатан **10 бараварга** ортди ва эмлаш қамрови **98 фоизга** етказилди. Сўнги 5 йил давомида эмлаш календарига **4 турдаги янги вакциналар киритилди**.

Натижада **2017 йилда** қизамиқ ва қизилча касаллиги, **2018 йилда** безгак касаллиги тугатилганлиги тўғрисида **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сертификатлари** олинди, **ўлат, вабо, шол, дифтерия, қоқшол** касалликлари умуман қайд этилмади. **2022 йил** якунига келиб **2018 йилга** нисбатан бруцеллез **30 фоизга (242 та ҳолат)**, вирусли гепатитнинг “В” тури **96,4 фоизга (188 та ҳолат)**, вирусли гепатитнинг “С” тури **89,9 фоизга (62 та ҳолат)**, ОИВ инфекцияси **4,2 фоизга (172 та ҳолат)**га камайди.